

Наврузова К.Н. – ТМИ,
катта ўқитувчи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ ТИЗИМИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада миллий тўлов тизимининг ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси тўлов тизими, жумладан чакана тўлов тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: банк тизими, тўлов тизими, чакана тўлов тизимлари, электрон тўловлар, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, Клиринг маркази, пластик карточкалар, Процессинг маркази, ахборот-коммуникация технологиялари.

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы развития национальной платежной системы, а также основные направления совершенствования платежной системы Республики Ўзбекистон, в т.ч. розничной платежной системы.

Ключевые слова: банковская система, платежная система, розничные платежные системы, электронные платежи, безналичные расчеты, Клиринговый центр, пластиковые карточки, информационно-коммуникационные технологии.

Key words: banking sistem, payment sistem, payment sistem, electronic payments, non-cash settlements, Kliring, plastik cards, information-communication technologies.


Мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичида, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва чуқурлаштириш кучли ижтимоий сиёсат билан олиб борилаётган бир пайтда, иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлган банк тизимининг барқарорлигини ошириш ва янада ривожлантириш долзарб масалалардан бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда банк тизими ривожланиб борар экан, банклар ўртасидаги ўзаро алоқалар, ҳисоб-китобларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш ҳам талаб етилади. Бу албатта, мамлакат тўлов тизимини янада ислоҳ қилиш билан боғлиқдир, чунки тўлов тизими мамлакат миқёсида товар - пул муносабатлари натижасида вужудга келадиган барча тўловлар мажмуасини ташкил этади.

Тўлов тизими – иқтисодий фаолият натижасида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича субъектлар ўртасида пул маблағларининг қонун-қоидалар асосида ҳаракатланишини таъминловчи дастур ёки механизмдир. Тўлов тизимининг бош мақсади – иқтисодий фаолиятни ташкил этиш натижасида пайдо бўлган мажбуриятлар юзасидан тўловларни тўлиқ, тез ўтказиш ва ҳавфсизлигини таъминлашдан иборат.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки” тўғрисидаги Қонуннинг “Бош мақсади ва асосий вазифалари” деб номланган 3-моддасида унинг бир қатор вазифалари билан бирга, “Марказий банкнинг ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш” вазифалари кўрсатилган.[1] Ушбу вазифани бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мамлакат тўлов

тизимини ташкил этади ва бошқаради, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг барча субъектлар учун мажбурий шакллари ва ҳужжатлар турини белгилайди ва ташкил этади, электрон тўловларни амалга оширишни ташкил этади, шунингдек, тўловларни амалга ошириш бўйича юзага келадиган хатарларни олдини олиш бўйича зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва тўловлар хавфсизлигини таъминлайди. Банклараро тўлов тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шахсий мулки ҳисобланади.

Республикада охириги йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банклараро тўлов тизими орқали банк ўтказмаларининг сони ва ўтказилаётган маблағларнинг ҳажми ортиб бориши натижасида тўлов тизими айланмасининг беқиёс даражада ўсиши, ҳамда тўлов тизими ичида пул маблағларининг бир жойдан иккинчи жойга тез ўтказилиши таъминланмоқда. Бунинг исботи сифатида қуйидаги маълумотларни келтирамыз.



1-расм. 2003-2015 йилларда Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони¹

2003-2015 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банклараро тўлов тизими орқали ҳисоб-китоб ҳужжатлари ёрдамида ўтказилган транзакциялар сони йилдан йилга ошиб бориб, 2016 йил бошига 65 млндан ошиб кетди, бу кўрсаткич таҳлил қилинаётган давр ичида деярли 4 баробар, биргина ўтган 2015 йилга нисбатан эса 5.0 млн. дан ортиқ транзакцияга ўсган. 2015 йил давомида жами ўтказилган транзакциялар суммаси эса 673017.0 млрд. сўмни ташкил этган.

Республика молия-банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, жорий этилаётган янги воситалар, хизмат турлари, банк назоратининг такомиллашаётгани унинг барқарорлигини таъминлаб, иқтисодий фаолликни жадаллаштириш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишдаги рағбатлантирувчи ролини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу муҳим тадбирлар қаторига яна республика иқтисодиётини модернизациялаш, диверсификациялаш, инновацион технологияларни кенг

¹ Манба: www.cbu.uz. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти маълумотлари www.interfinance.uz

қўллаш фаоллаштиришдаги шароитда иқтисодиёт ва аҳолининг ҳисоб-китоб ва депозит хизматлари ҳамда пул-кредитга бўлган талабини тўлиқ қондириб бориш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини, жумладан, пластик карточкалар муомаласини кенгайтириш, кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш, улар сифатини янада ошириш борасида амалга оширилаётган дастурларни киритиш мумкин.

Хусусан, банк тизимида пластик карточкалар тўлов тизимини ривожлантириш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий шакли-банк пластик карточкалар муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари сони ҳам, чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш субъектларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони ҳам йилдан-йилга ошиб бориши таъминланмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг пластик карточкаларига асосланган тўлов амалиётининг замонавий ҳолати²

№	Кўрсаткичлар	2013 йил 1 январь	2014 йил 1 январь	2015 йил 1 январь	2016 йил 1 январь
1.	Муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари сони, минг дона	9,2	11,1	15,2	16,3
2.	Ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари сони, минг дона	112,7	129,7	169,5	183,0
3.	Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карточкалар орқали амалга оширган транзакциялар суммаси, трлн. сўм	11,6	16,3	22,8	31,3

2016 йилнинг 1-январь ҳолатига республикаимиз бўйича муомалага чиқарилган пластик карточкалари сони 16,3 млн. донани, улар орқали 2015 йил давомида ўтказилган тўловлар суммаси 3238,9 трлн. сўмни, жумладан жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карточкалар орқали амалга оширган транзакциялар суммаси 31,3 трлн. сўмни ташкил этган. Жадвалдан кўриб турганимиздек, жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карточкалар орқали амалга оширган транзакциялари суммаси 2012-2015 йиллар давомида деярли 3 баробарга ошган. 2015 йил 1-январь ҳолатига кўра чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш субъектларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони 183,0 мингтага (2015 йил бошида 169,5 минг дона) етди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 15,2 фоизга ошган.

Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалари сони охириги бир неча йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга бўлди ва бу жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карталари орқали амалга оширган транзакциялари суммаси ўсиш тенденциясининг юзага келишига имкон яратди. Умумий қилиб айтганда, банк карталари билан операциялар ривожланиб бориб,

² Жадвал www.cbu.uz. маълумотлари асосида тайёрланди.

республикаларнинг барча ҳудудларида банк пластик карталари билан боғлиқ барча кўрсаткичларнинг ўсишига замин яратди.

Шундай қилиб, республикалар тўлов тизимини ривожланишини таъминловчи техника ва технология тизимидаги катта муваффақиятларнинг қўлга киритилиши кузатилмоқда. Бу эса, биринчи навбатда моливий бозор активлигининг ўсишига ва иқтисодиётдаги тўловларнинг тезлашувига ёрдам беради. Шунинг учун тўлов тизимини доимий равишда янада такомиллаштириб бориш давр талаби бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда тўлов тизимини такомиллаштириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китобларини янада тезлаштириш мақсадида ҳукуматимиз ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан кўплаб ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сонли қарори билан республика “Электрон ҳукумат” тизимининг комплекс ахборот тизимлари таркибига Марказий банкнинг “Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш клиринг тизимини яратиш ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизими билан интеграллаш” лойиҳаси ҳам киритилган бўлиб, мазкур Клиринг тизимини 2014 йил амалиётга татбиқ этиш белгиланган эди. [3]

Янги тизимни яратишдан мақсад унга тижорат банклари филиаллари, кассалари ва Банклар ассоциацияси қошидаги Ягона умумреспублика Процессинг марказини улаган ҳолда, жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек коммунал хизматлар ва мобил алоқа операторлари учун тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш имкониятини яратишдан иборат эди. Лойиҳа бир неча босқичда амалга оширилди. [6]

2-жадвал

“Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш клиринг тизимини яратиш ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизими билан интеграллаш” лойиҳасининг амалиётга татбиқ этиш босқичлари³

т/р	Босқичлар	Амалга оширилган ишлар
1.	1-босқич	Марказий банк ҳузурида Ҳисоб-китоб банки ташкил қилиниб, банк миждозларининг мажбуриятлари бўйича банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини тўғридан-тўғри дебетлаш механизми яратилди ва Ягона умумреспублика Процессинг маркази билан ўзаро фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда барча банк карталари орқали амалга оширилган тўловлар бўйича якуний ҳисоб-китоблар Марказий банкнинг Клиринг тизими орқали ўтказилмоқда.
2.	2-босқич	Марказий банкнинг Клиринг тизими билан Давлат солиқ қўмитаси ахборот тизими, шунингдек, “Ўзбекэнерго” Давлат акция-дорлик компанияси ҳамда “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияларининг биллинг тизимлари интеграция қилинган ҳолда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда электр энергияси ва газ истеъмоли тўловларини реал вақт режимида амалга ошириш имконияти яратилди.

³ Манба: Жадвал мақола муаллифи томонидан тайёрланган.

3.	3-босқич	Клиринг тизимиға телекоммуникация провайдері ва операторлари ҳамда коммунал хизмат корхоналарининг ахборот ва биллинг тизимлари уланди. Улар орқали тўловлар амалға оширилмоқда. Клиринг тизими фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.
----	----------	---

2013 йил сентябр ойида “UZKART” банклараро чакана тўлов тизими фаолиятини тартибга солиш ва унинг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Марказий банк ҳузуридаги Ахборотлаштириш Бош Марказида “Банклараро универсал неттинг ахборот тизими” дастурий мажмуаси ишга туширилди. Шу муносабат билан “UZKART” банклараро чакана тўлов тизимида Ҳисоб-китобларни амалға оширувчи банк вазифалари ТИФ Миллий банкининг Банклараро Ҳисоб-китоб Марказидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Клиринг Марказига ўтказилди. Бу эса ўзаро мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни тижорат банкларининг Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар Марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали ўз вақтида ўтказилишини таъминлади. Натижа янги тизим харажатларининг камайишига олиб келди ва тижорат банкларига ўз маблағларидан самарали фойдаланишларига имкон яратди. Ҳозирги кунда ушбу тизим орқали амалға оширилган ўртача ойлик транзакциялар суммаси 1,2 трлн сўмни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги 1438-сонли қарори “Тўлов тизими ва тўлов инфратузилмасини янада ривожлантириш” бўйича асосий йўналишлар белгилаб берилган эди. Унга асосан “банклар бўлинмалари ва филиалларидан банклар бош офисининг қайта ишлаш марказлари, Ягона умумреспублика процессинг маркази ва ҳисоб-китоб банкигача маълумотларни етиб келишида уларни қайта ишлаш оралиқ бўғинларини қисқартириш ҳисобига, тўловлар ўтказиш жараёнларини тезлаштириш” вазифаси белгилаб берилган эди.[2] Бу вазифани бажариш учун бир қатор ишлар билан бирга, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ТИФ Миллий банкининг Банклараро Ҳисоб-китоб марказидан “UZKART” банклараро чакана тўлов тизимида Ҳисоб-китобларни амалға оширувчи банк вазифаси Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар Клиринг Марказига ўтказилганлиги ҳам юқоридаги қарорининг барча бандлари билан биргаликда, чакана тўлов тизимини такомиллаштиришга тегишли бандлари бажарилганлигидан далолат беради. Лекин Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1438-Қарори бажарилиши ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш яқунланганлигини билдирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли Қарори қабул қилинди. Қарорда илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, шунингдек чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган ҳисоб-китоб терминалларини

кўпайтириш ва улар сонини 180 минг донага, банк пластик карточкаларини муомалага чиқариш ҳажмини 14.0млн. донага етказиш орқали банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш вазифаси белгилаб берилди.[4] Ушбу вазифаларнинг амалга ошириш муддати 2015 йил охиригача белгиланди. Амалда бу вазифа ортиғи билан бажарилиб, 2016 йилнинг 1-январь ҳолатига республикаимиз бўйича муомалага чиқарилган пластик карточкалари сони 16.3 млн. донани ва ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари сони 183 минг донадан ошиб кетди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича, дастурий таъминот, банкомат ва пластик карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа ускуналарни импорт бўйича олиб кирилганида тижорат банклари бож тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 2020 йилнинг 1 январига қадар озод этилиши белгилаб берилди.

Республикаимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг 2016– 2018 йилларга мўлжалланган Концепцияси” ишлаб чиқилган бўлиб, унинг бош мақсади – Марказий банк ва тижорат банкларида замонавий ахборот коммуникация тизимларини кенг жорий қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат” тизими таркибига киритилган банк ахборот тизимларини ўз вақтида ишга тушириш, иш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш ва ахборот алмашувини уйғунлаштириш, замонавий банк ахборот тизимларининг самарадорлигини ошириш ҳамда банклар томонидан аҳоли, тадбиркорлик ва хўжалик юритувчи субъектларига кўрсатиладиган хизмат турларини, жумладан, интерактив хизматларини кенгайтириш ҳамда банк хизматлари сифатини оширишдан иборат.

Концепцияда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат” тизими доирасида чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш Клиринг тизимидан фойдаланишни кенг татбиқ этиш ва хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг биллинг тизимини мослаштириш, банк карталари бўйича ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш, банкларда ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштириш шароитида хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш каби бир қатор масалаларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Концепцияга асосан, яқин йиллар давомида тижорат банклари томонидан муомалага чиқариладиган пластик карталар сонини 1.2 марта, савдо ва хизмат кўрсатувчи объектларда ўрнатиладиган тўлов терминаллари сонини 1,15 марта кўпайтириш режалаштирилган.[6] Бунга эришиш учун амалга оширилган ишлар билан бирга яна бир қатор вазифаларни амалга ошириш талаб этилади, яъни:

1. “On-line” режимида ишлашга мўлжалланган терминалларнинг сифатли ишлашини таъминлаш мақсадида Ягона Процессинг Марказининг сервер

тизими ва алоқа каналларининг сифатли ва узилишларсиз ишлашини таъминлаш чораларини кўриш.

2. Аҳолига хизмат кўрсатадиган барча турдаги транспорт воситаларида биринчи навбатда метро ва бошқаларда йўл ҳақларини банк пластик карталари ёки махсус транспорт карталари орқали тўлашни жорий қилиш.

3. Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини “On-line” карталарига хизмат қилувчи терминаллар ва инфокиосklar билан етарли даражада таъминлаш.

4. Клиринг тизими инфраструктурасида ахборот муҳофазаси ва хавфсизликни ҳамда ахборот тизимларининг самарали ишлашини таъминлаш.

5. Коммунал хизматлар учун тўловларни реал вақт режимида амалга оширишни таъминлаш мақсадида мижозларга масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимларини янада такомиллаштириш.

Адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1995 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сонли қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли Қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 сентябрдаги 259-сонли “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қарори

6. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг 2016–2018 йилларга мўлжалланган Концепцияси”

7. “Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 2570, 04.04.2014 й.)

8. www.cbu.uz. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти